

УЛУҒ ЛЕНИН КЎРСАТГАН ЙЎЛДАН

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН
ЧИКА БОШЛАГАН

№ 289 (19.065)

Шанба, 15 декабрь 1984 йил

Баҳоси 3 тийин

Пролетархон ҳамаи мамлакатҳо, як шавед!

ТОҶИКИСТОН СОВЕТ

Органи Комитети Марказии Партияи Коммунистии Тоҷикистон,
Совети Олий республика ва Совети Вазирони РСС Тоҷикистон

Газета аз моҳи март
соли 1925 инчониб
нашр мешавад.

ОРЗУНИНГ УШАЛИШИ

Р. Н. НАБИЕВ,

Тоҷикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари

Тоҷикистон Совет Социалистик Республикаси ва Тоҷикистон Компартияси олтинчи йилга тўлди. Бу байрамнинг ўз ҳусусиятлари, бетакрор нишонлари бор. Совет кишилари КПСС Марказий Комитети 1984 йил октябр Пленумининг илҳомбахш таъбири остида фидокорона меҳнат қилган бир пайтда биз бу шонли санаи нишонламоқдамиз. КПССнинг навбатдаги XXVI съездида, Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Буюк Ғалабанинг 40 йиллигини нишонлашга тайёргарлик авж олдириб юборилди. Республика коммунистлари, барча меҳнаткашларнинг яратувчилари ишлари мана шу катта сиёсий воқеалар таъбири остида бекиёс самаралар бермоқда.

Бугунги юксак доводдан тожик халқи олтинчи йил мобайнида босиб ўтган йўлининг қаҳрамонона босқичлари аниқ-равшан кўриниб турибди. Бу феодализмдан ривожланган социализм сари, ҳуқуқсизликдан эркинлик, иқтисодий, социал-маданий тараққиётнинг янги чўққилари сари қўйиб, бирок гоёт шаърафли йўл бўлди.

Улуғ Октябр социалистик революцияси, Коммунистик партия ва Совет давлатининг доно ленинча сиёсати Тоҷикистонда янги ҳаёт қурилишида аjoyиб ғалабалар кўлга кириштиришга замин яратди. Асрий тарқоқликдан сўнг тожик халқи ўз давлатига эга бўлди, эркин тараққиёт йўлига ўтди, социалистик миллат сифатида шаклланди. Бизнинг муваффақиятларимиз, бугунги қувончларимиз Тоҷикистон меҳнаткашларининг улуғ рус халқи ва бошқа қардош халқлар билан бўлишига дўстлиги, ҳамкорлиги самарасидир. «Тадқир Россия ва унинг улуғ халқи, шунингдек, мамлакатимизнинг бошқа халқлари билан бирлаштирилганлиги тожикларнинг гоёт катта бахтидир, — деб ёзган эди Тоҷикистон халқ шoirи, Осн ва Африка мамлакатлари ҳамкорлиги комитетининг биринчи раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мирзо Турсунзода. — Биз шундай деймиз. Фарзандларимиз, набираларимиз ва эвара-чевараларимиз шундай дейишди. Халқларнинг дўстлиги тўғрисидаги сўзлар асло эскирмайдиган, бу сўзлар тобора чуқур мазмун касб эта боради».

Олтинчи йил мобайнида Тоҷикистон таниб бўлмас даражада ўзгарди. Турмуш тарзимида, кишиларнинг маънавий дүйсида улкан ўзгаришлар содир бўлмоқда. Янги шаҳарлар ва ишчи посёлкалари қад кўтарди. Қишлоқлардаги лой томли уйлар ўрнида замонавий уй-жойлар ва жамоат бинолари қурибди, бир пайтлари қақраб ётган ерларда завод ва фабрикалар тикланди, электр станциялари, ирригация иншоотлари, сунъий денгизлар барпо этилди.

Еш Совет социалистик республикасини индустриаллаштириш тўб аҳолини иқтисодий ишлаб чиқаришга кенг жалб этиш билан қўшиб олиб борилди. Москва, Ленинград, Харьков, Иваново, Ташкент ва мамлакатнинг бошқа саноат марказларида миллий ишчи кадрлар тайёрланди. Айни пайтда ишчи ва деҳқонлар иттифоқи мустахкамланди, меҳнаткаш омманинг ушқоқлиги ва сиёсий онги ўсди.

Коммунистик партиянинг илгари қолоқ миллий чекка ўлкаларда экономика ва маданиятнинг қисқа муҳлатларда жадал ривожлантириши бўй берди. Бугун тожик кишлоқини таниб бўлмай қолди. Улар шаҳар типдаги посёлкалардан мутлақо қолшмайди. Комплекс механизация электрлаштириш ва химиялаштириш, ирригациялаш ва мелiorациялаш кўламли КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил

Совет Иттифоқи ягона халқ хўжалиги комплексининг таркибий қисмлари бўлган бу республикаларнинг саноати, қишлоқ хўжалиги, фан ва маданияти барқ уриб яшайди. Ишчи ва деҳқонларнинг жаҳонда биринчи ягона, кўпмиллатли оиласининг аъзоси бўлиш гоёт фахрли ва қувончлидир.

«Миллатлар ва элатларни ҳар томонлама ривожлантириш учун қисқа муҳлатларда шу қадам кўп ишлар қилган, барча халқларимизнинг социалистик Ватани — СССР каби давлат тарихда ҳеч қачон бўлмаган эмас», — дейлади КПСС Марказий Комитетининг «СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги тўғрисида»ги қарориди. Бу юксалишни Совет Тоҷикистони мисолида ҳам аққол кўриш мумкин. Бу ерда саноатнинг энергетика, кон-руд, рангли металлургия, машинасозлик, химия, қурилиш материаллари, электротехника, енгил, озиқ-овқат ва бошқа тармоқлари барпо этилди. Юзлаб корхоналар муваффақиятли ишлаб турибди. Бизнинг корхоналаримизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар фақат мамлакатимиздагина эмас, балки чет элларда ҳам яхши маълум. Улар 50 та чет мамлакатга юборилмоқда.

Ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришнинг асоси бўлган энергетика олға томон улкан қадам қўйди. Революцияда Тоҷикистонда электр энергетикаси умуман йўқ эди. Керосин қироқ ҳам ҳамма хонадонларда ёқилавермасди. Бугунги кунда бизнинг электр станцияларимиз бир қандаёқ ўнлаб миллион киловатт-соат электр қуввати ҳосил қилмоқда. Норак ГЭСининг ишга туширилиши билан энергетика программасига республикамиз қўшаётган ҳисса кескин ошди. Бу улкан нурхонани бунёд этишда мамлакатимизда истиқомат қилувчи 50 дан ортқ миллат ва элатларнинг фарзандлари фаол иштирок этишди. Бу ноёб нурхонани лойиҳалаш ва тиклаш билан боғлиқ проблемаларни ҳал этишда мамлакатимиздаги 54 лойиҳа ва илмий-тадқиқот институти қатнашди. Социалистик мусобақанинг янги формаси — ишчи эстафетаси ҳаракати худди мана шу нурхона қурилишида турди. Энергетикани ривожлантиришнинг жадал суръатлари сақлаб қолинмоқда. Байпази ГЭСининг дастлабки агрегати яқин орада ишга туширилади. Ваҳида яна бир улкан нурхона — 3,6 миллион киловатт қувватга эга бўладиган Роғун ГЭСи қурилмақда.

Гидроэнергетика ресурслари, фойдали қазилмалар ва минерал хом ашёнинг улкан запаслари 60-йилларнинг охиригача йирик умумиттифоқ программаси — Жанубий Тоҷикистон территориялаш-ишлаб чиқариш комплексини барпо этишга киришди имконини берди. Бу ерда барпо этилган корхоналар республика индустриал иқтисослашувини ўзгартириб юборди. 1980 йили бу комплекснинг объекти республикада ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотни жами ўсувини яримга яқин қисминини берди. Термиз — Қўрғонтепа — Ёвон темир йўли бу йирик агросаноат районини республиканинг бошқа саноат ва маданият марказлари билан боғлади. Саноат корхоналари қуриш билан бир пайтда бу ерда янги-янги шаҳарлар ва ишчи посёлкалари барпо этилмоқда.

Қишлоқ хўжалигида ҳам катта ўзгаришлар бўй берди. Бугун тожик кишлоқини таниб бўлмай қолди. Улар шаҳар типдаги посёлкалардан мутлақо қолшмайди. Комплекс механизация электрлаштириш ва химиялаштириш, ирригациялаш ва мелiorациялаш кўламли КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил

(Давоми иккинчи бетда).

«Совет Ўзбекистони» ва «Тоҷикистони Совети» ГАЗЕТАЛАРИНИНГ ҚЎШМА СОНИ

Шерали ЛОЙИҚ,
Рудакий номидаги Тоҷикистон ССР
Давлат мукофоти лауреати

ЎН БЕШ БИРОДАР

Азми бир қасрнинг ўн беш устун,
Қисмати пайваста ўн бешта ўғлон.
Қўраги ягона ўн бешта юрак,
Бир мамил таллаган ўн бешта қарвон.

Қўлма-қўл, изма-из ўн беш биродар,
Ўн беш биродарнинг бирдир имон.
Бир қўш нурдан йўрилган бахти,
Бир қолп, бир азида аҳду паймон.

Меҳру садоқатнинг ўн беш чашмаси,
Ўн бешта дарёю ўн бешта донгиз —

Оқлар мавиланиб битта ўзанда,
Соҳиллар пайваста, ажралмас ҳаргиз!
Бир буюк майдонда ўн бешта сафдош,
Бир улуғ устознинг ўн беш қароғи.
Ўн бешта ҳамоҳанг жарангланган тор,
Бир улкан даратнинг ўн беш бутоғи.

Иқбоддан чароғон ўн беш хонадон,
Москва уларнинг паноҳи, бахти.
Ўн бешта соатта мезондир мудом
Москва соати, Москва вақти...

Ж. ҚУВНОҚ таржимаси.

Тоҷикистон Совет Социалистик Республикасининг пойтахти — Душанба шаҳри Советлар мамлакатининг энг кўркем шаҳарларидан бири ҳисобланади. Суратда: шаҳар марказий қисмининг кўриниши.

ТАСС фотохроникаси.



К. У. ЧЕРНЕНКО КИТОБИ ИСПАНИЯДА НАШР ЭТИЛДИ

МАДРИД, 14 декабрь. [ТАСС]. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси К. У. Черненконинг СССР ички ва ташқи сиёсати масалалари доир таълиқланган китоби ва мақоалари китоби бу ерда кўп нускада босилиб чиққанлиги Испаниянинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётда шонли воқеа бўлиб қолди. Китобга К. У. Черненконинг КПСС Марказий Комитети Пленумларида, чет эл коммунистик партияларининг съездларида сўзлаган нутқлари, Совет Иттифоқида Коммунистик қурилиш назарияси ва практикасига оид мақоалари киритилган. Европа қитъасида ва бутун дунёда тикчил учун, ядро уруши хавфининг олдин олиш учун КПСС билан Совет давлати доимо курашаётганлиги тўғрисидаги фикр китобда асосий ўринни эгаллаган. Китоб К. У. Черненконинг испаньялик китобхоналарга муҳаббат билан очилди, унда жумладан бундай дейилди:

СССРнинг ички ва ташқи сиёсати масалаларида доир нутқлар ва мақоаларда тўплами сизларнинг эътиборингизга ҳавола этилди. Ушбу китоб Совет Иттифоқи тўғрисидаги унинг бугунги кун ва келгусидаги режаларимиз тўғрисидаги тасаввурингизни кенгайтиришга қўмаклашди. Деб умид қилишимиз истардим. 1917 йилда

йўқ. Ҳар бир гражданин бепул билем олади, медицина ёрдамидан баҳраманд бўлади. Аҳолининг реал даромадлари доимо ўсмоқда. Социалистик демократия узлуksиз тақомиллаштирилмоқда. Совет кишиларида келажакка ишонч ҳосил қиладиган сиёсий ва социал барқарорлик аққол кўриниб турибди.

Булларнинг ҳаммаси — социалистик иқтисодий системанинг буюк ютуқларидир. Совет халқи бу ютуқлар билан ҳақни равишда фахрланади. В. И. Ленин васиятларига солиқ бўлган Коммунистик партия жамиятимизнинг бундан буюн ҳам олға томон ҳаракат қилиши тўғрисида тинмай ҳамоҳанг қилмоқда. КПСС XXVI съезди, унинг Марказий Комитети кейинги Пленумлари қарорларининг моҳияти айни шундан иборат.

(Давоми иккинчи бетда).

ТОЖИКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА ТОЖИКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИГА ТОЖИКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Тоҷикистон ССРнинг партия, совет, касба союз ва комсомол ташкилотларини, барча меҳнаткашларини шонли воқеа — Тоҷикистон Совет Социалистик Республикаси ва Тоҷикистон Коммунистик партияси ташкил этилганлигининг 60 йиллиги билан астойдил табриклайдилар.

Улуғ Октябр социалистик революцияси тожик халқини кўп асрлик социал ва миллий зулмдан озод қилди, унга чинакам озодликка эришиш ва совет давлат тузумини барпо этиш имконини берди. Индустриаллаштириш, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, маданий революция ленинча программасининг амалга оширилиши республикадаги тўб социал-иқтисодий ўзгаришларга имкон берди.

Тоҷикистон ССР меҳнаткашлари Коммунистик партия раҳбарлигида, рус халқи ва мамлакатимиздаги бошқа халқларнинг бағараз ёрдами билан кураш ва меҳнат зафарларининг қаҳрамонона йўлини босиб ўтдилар, янги турмуш қуришда катта муваффақиятларга эришдилар. Улуғ Ватан уруши йилларида бутун совет халқи қатори Тоҷикистоннинг ҳам шонли ўғли ва қизлари кўлга қурол олиб, фашист босқинчиларига қарши мардона жаңг қилдилар, мамлакат ичкарида душман устидан қозонилган ғалаба учун фидокорлик билан замин яратдилар.

Совет Тоҷикистони урушдан кейинги йилларда социалистик қурилишда аjoyиб натижаларга эришдилар. Ҳозир республика юксак даражада ривожланган саноат ва замонавий қишлоқ хўжалигига эга. Бу ерда рангли металлургия, кончилик, машинасозлик, приборсозлик, химия саноати ва бошқа саноат тармоқларининг катта-катта корхоналари ишлаб турибди. Тоғли ўлканинг бой энергетика ресурслари халққа хизмат қилдирилмоқда. Норак ГЭСи тўла қувват билан ишлаб турибди, Вахш дарёси бўйида гидроэлектр станциялари тизмасини барпо этиш давом этмоқда. Қолхоз ва совхозларнинг моддий-техникавий базиси анча мустахкамланди, сугорма ер майдонлари кенгайтирилди, пахта, сабзавот, узум, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш кўпаймоқда.

Тоҷикистон ССРнинг фан ва маданияти чинакам раванг топти. Шаҳар ва қишлоқ меҳнатчиларининг фаровонлиги йил сайин яхшиланмоқда, уларнинг турмуш тарзи тўбдан ўзгарамоқда. Ишчилар, колхозчилар, мутахассислар, ижодкор эълоиларнинг маънавий миллий қадрлари ўсиб етишди. Тожик хотин-қизлари озодликка чиқарилганлиги, республика ишлаб чиқариш ва иқтисодий турмушининг ҳамма соҳаларида уларнинг актив иштироки эътиборли катта социал ғалаба бўлиб қолди. Мана шуларнинг ҳаммаси КПСС ленинча миллий сиёсати таънасининг, совет халқлари мустахкам қардошларча дўстлиги ва ўзаро ёрдамнинг ёрқин далилидир, социалистик тузум шак-шубҳасиз афзалликларининг аққол тасдиғидир.

Республиканинг муваффақиятлари КПССнинг сингалган жаңговар отрядларидан бири — Тоҷикистон Коммунистик партиясининг фаолияти билан чамбарчас боғланган. Тоҷикистон Компартияси оммани собитқадарлик билан уюштириб турибди, меҳнаткашларни марксизм-ленинизм, совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализм ғояларига садоқат руҳида тинимсиз тарбияламоқда.

Тоҷикистон коммунистлари, барча меҳнаткашлари КПСС XXVI съезди, Марказий Комитетининг 1984 йил февраль, апрель ва октябр Пленумлари қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг кўрсатмаларини фаол турмушга татбиқ этмоқдалар, бу йилги план топишрикларини, социалистик мажбуриятларини ва ўн биринчи беш йиллик планларини муваффақиятли бажариш учун сабот билан курашмоқдалар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети совет халқининг революцион, жаңговар ва меҳнат аъёналарига садоқатли Тоҷикистон ССР ишчилари, колхозчилари ва халқ эълоилари халқ хўжалигининг энг муҳим вазифаларини ҳал этиш борасидаги куч-ғайратларини кўпайтирди, социалистик Ватаниннг иқтисодий ва муҳофаза қудратини мустахкамлашда, мамлакатимизда ривожланган социализмни тақомиллаштиришда янги муваффақиятларга эришдилар, Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалабанинг 40 йиллигини ва КПСС XXVI съездини муносиб кутиб оладилар, деб қатъий ишонч билдирадилар.

Яшасин Тоҷикистон Совет Социалистик Республикаси! Яшасин КПССнинг жаңговар отряди — Тоҷикистон Коммунистик партияси!

Яшасин улуғ Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

КПСС
МАРКАЗИЙ
КОМИТЕТИ

СССР ОЛИЙ
СОВЕТИ
ПРЕЗИДИУМИ

СССР
МИНИСТРЛАР
СОВЕТИ

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ГБСР МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЕСИИ
БЮРОСИНИНГ АЪЗОСИ, ГЕРМАНИЯ
ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ МИНИСТРЛАР
СОВЕТИ РАИСИНИНГ БИРИНИНГ
УРИНБОСАРИ УРТОҚ АЛЬФРЕД НОЙМАННИ
ОКТАБР РЕВОЛЮЦИЯСИ ОРДЕНИ
БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Совет Иттифоқи билан Германия Демократик Республикаси ўртасида қардошларча дўстлик ва ҳамкорликни мустахкамлашда катта хизматлари учун ҳамда тутилган кўнига етмиш беш йил тўлиши муносабати билан ГБСР Марказий Комитети Сийсий бюросининг аъзоси, ГДР Министрлар Совети Раисининг биринчи уринбосари ўртоқ Альфред Нойман Октябр Революцияси ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси

К. ЧЕРНЕНКО

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари

Т. МЕНТЕШАВВИЛ

Москва, Кремль, 1984 йил 14 декабрь.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ РАИСИ Н. А. ТИХООНОВНИНГ ТУРКИЯГА ҚИЛАДИГАН ВИЗИТИГА ДОИР

КПСС Марказий Комитети Сийсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихоновнинг Туркия Республикаси Бош

министри Т. Озалининг тақлифига буюн 1984 йил декабрь ойининг иккинчи ярмида расмий визит билан Туркияга боради.



рий ерлиги билан мукофотланди.



Тоҷикистон ССР ва
Тоҷикистон
Компартиясининг
60 йиллигига

Фан-ишлаб чиқаришга

ИЗЛАНИШ ҚИРРАЛАРИ

Совет ҳокимиятининг дастлабки кунлариданоқ В. И. Ленин, Коммунистик партия ва Совет давлати Россиянинг чекка ўлкаларида, жумладан Ўрта Осиё халқларининг асрий қолоқлигини бартараф этиш ишига алоҳида эътибор бердилар. Рус ва бошқа қардош халқлар ёрдамида тарих қўрмаган социал-иқтисодий ва маънавий тараққиёт учун кураш бошланди. Бу замонавий илм-фаннинг ривожланишига олиб келди.

Тоҷикистон илмий муассасалари ва олий ўқув юрларида бугунги кунда 8 мингдан зиёд ходим, шу жумладан 3 минг фан кандидати ва доктори тадқиқот ишлари олиб бормоқда. Республика Фанлар академиясининг илмий тафаккурининг нуфузли марказига айланди. Унинг 19 илмий муассасасида табиғатшунослик, техника, медицина ва иқтисодий фанларнинг турли соҳаларида фундаментал тадқиқотлар олиб боришмоқда.

Республика Фанлар академиясининг илмий-техника ва экспериментал базаси мустахкамланган. Фақат айтайлик, астрофизикларнинг қарамонига Ҳисор ва баландтоғлик Санглок обсерваториялари барпо этилган. Улар замонавий радиолокацион ва оптик ускуналар билан жиҳозланган. Геофизик обсерваториялар ва сейсмик станцияларнинг кенг тармоғи сейсмологларимизга республика сейсмик режими устидан узлуксиз назорат ўрнатish имконини беради.

Фанлар академиясини қарамонига конструкторлик технологик бюроси, учта ботаника боғи, бир қатор стационлар ва таълим пунктлари, Марказий илмий библиотека, «Дониш» нашриёти, босмахона ва, шунингдек, бир қатор муассасалар ташкил топган. Академия ходимлари олий ўқув юрлари ва тармоқ илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликда Тоҷикистон табиғий ресурсларини ўрганиш бўйича катта ишларни амалга оширишди. Математика, физика, астрофизика, химия, биология, сейсмология ва зилзилага чидамли қурилиш, биология ва медицина, иқтисодий фанларнинг турли соҳаларида фундаментал тадқиқотлар ўтказилди.

Геология институтини олимлари республика Геология босқармаси ходимлари билан ҳамкорликда тоғ жинсларининг пайдо бўлиш тарихига доир стратиграфия схемасини туздилар. Геологларимиз Ҳимоял — Помир табиғий ресурсларини тадқиқ қилишга катта эътибор бермоқдалар.

Республикада зилзила табиғини ўрганиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Олимларимизнинг сейсмология ва зилзилага чидамли қурилиш проблемаларига бағишланган тадқиқотлари кенг эътироф этилди. Улар ер силқинишини прогноزلашга комплекс ёндашиш муаммосини ишлаб чиқдилар. Нурек ва Роғун ГЭСлари тўғоналарининг зилзилага чидамлилик даражасини ҳисоблаш методларига аниқлик киритдилар. Бугунги кунда республикада ер силқинишини прогноزلашнинг автоматик системаси ишлай бошлади.

Химикларимиз асосий эътиборни республика фойдали қазилмаларини бойитиш ва уни химиявий қайта ишлашга қаратмоқдалар. Соғлиқни сақлаш, электрон ва оптик сановат учун янги маҳсулотлар ва материаллар олиш йўллариини ишлаб чиқмоқдалар. Химиклар ўсимликларни химия қилиш воситаларини яратишга алоҳи-

да эътибор бераётирлар. Метеор ва комета астрономиясини соҳасидаги фундаментал тадқиқотларимиз СССР ва чет мамлакатларда нег эътироф қилинди. Қудратли қузувоту базаси яратилганлиги астрофизикларимизга метеорит оқимларини комплекс кузатиш ва ерга метеорлар оқиб келишини баҳолаш имконини берди.

Республикада физика ва математика соҳасидаги тадқиқотлар нисбатан кейинроқ бошланди. Бироқ олимларимиз қисқа муддатда фаннинг бу соҳаларида катта муваффақиятларга эришдилар. Физик ва математик олимларнинг юксак малакали отряди тайёрланди. Математикларимизнинг функционал анализ ва бошқа соҳалардаги қимматли тадқиқотлари ҳисоблаш ва амалий математикани ривонлаштириш соҳасидаги ишлари яхши самара бераётир. Физикларимиз эса ядро физикаси, молекуллар акустика, ярим ўтказгичлар физикаси, геолиттехника, лазер физикаси ва бошқа проблемаларни назарий ва амалий ишлаб чиқмоқдалар. Биологлар, ботаниклар ўсимликлар дунёсини ўрганиш, тоғли зоналардаги кишлоқ хўжалиги учун ўзлаштириш проблемаларига алоҳида эътибор бераётирлар. Қўшма биоботаника халқаролик ишлари тузилди, янги йўللари аниқлашга доир тавсиялар ишлаб чиқилди.

Кишлоқ хўжалигининг янада интенсификациясини, аниққас, Озёқ-овқат программасини амалга ошириш учун кураш биология ва кишлоқ хўжалиги фани олдида бир қатор муҳим проблемаларни қўймоқда. Сугорилдиган ерлар ҳосилдорлигини ошириш, тоғ олди ва тоғ зоналарини ўзлаштириш, турли касалликлар ва зараркундаларга қарши самарали кураш усулларини ишлаб чиқиш шулар жумласидандир. Республикада кишлоқ хўжалик эканлари уруғчилиги ва селекция соҳасида катта ишлар олиб боришмоқда.

Медицина соҳасидаги тадқиқотлар ҳам муваффақиятли ҳал этилмоқдалар. Ўрта илмий тадқиқот институти, шунингдек Абу Али ибн Сино номи Тоҷикистон Давлати медицина институтининг илмий-тадқиқот лабораториясида катта изланишлар давом этмоқда. Республикада иқтисодий фанларни ривонлаштириш соҳасида улкан ютуқларга эришилди. Асосий эътибор совет халқи маънавий маданияти проблемаларига, социализм қурилиши тажрибасини умумлаштиришга, иқтисодий ва социал проблемаларни ўрганишга ва уни тақомиллаштириш йўллариини излашга қаратилмоқда. Совет Тоҷикистонининг илм-фани бутун совет фаннинг таркибий қисмидир. У мамлакат илмий марказлари, аниққас Ўрта Осиё ва Қозғистон республикалари илмий муассасалари билан яқин алоқада ривож топмоқда.

О. СИМОНОВ,
Тоҷикистон ССР Фанлар академиясининг президенти.

БИР БОШОҚНИНГ ДОНЛАРИ


МЕН ўқишни галати алифбадан ўрганганман: у фашист пулеметининг ўқларидаги илм-техника бўлиб кетган эди. Қирқ биринчи йилнинг қўламада бизнинг ноширларимиз ленинградлик матбаачиларга мурожаат этиб, дарсликлар тиражини босиб беришга илтимос қилган эдилар. Бироқ, уруш бонги чалиндию, босмахона ишчилари бирин-кетин жангга кетдилар. Аммо босма машиналар тўхтамади — эркакларнинг ўрнини аёллар олишди. Бизнинг буюртмамиз тайёр бўлганида, Ленинград қамал ҳалқаси орасида қолган эди. Китеблар ярадорлар жойлашган эшелонда олиб кетилди. Гитлерчилар бу эшелонни осмондан ўққа тутдилар, аммо у манзилга етиб борди. Уруш ўти ичида қолган Россия йўлларида одамлар бу китебларни эстафета каби қўлма-қўл узатдилар, шу тариқа дарсликлар бизнинг кичик қишлоғимизгача етиб келди. Муаллим алифбени тарқатишдан аввал бизга шуларни таълим берди. Мактабдаги биринчи соат халқларимизнинг жанговар қардошлиги дарси бўлди.

Менинг халқим асрлар буйи чор-ночор кун қўриб келди. Уни ҳамма нарсадан — сувдан, ҳосилдан, шондор тўқидан қўшиқлардан ҳам маҳрум этишган эди. Ҳатто ўқонинг журконида чиққан тутун учун ҳам ўшанг тулаш керак эди.

Аммо бизнинг бахт ҳақидаги орзудан, овозлик муд-даосидан маҳрум эта олмадилар. Рус халқи чоризмин улоқтириб ташлаганида бизнинг деҳқонларимиз ҳам қўлга қўрол олдилар. Жанг қийин бўлди, аммо энди биз ёлғиз эмаз эдик. Революция Россия бизга ёрдам берди. Биз Тоҷикистонда Совет ҳокимиятини химоя қилишга қўмак берган Октябрь солдатлари хотирасини қалбимизнинг тўрида абадий сақлаймиз.

Ўшандан бери биз биргамиз. Ерларимиз хувилаб ётар эди. Бошқа халқлар билан мустахкам ҳамдўст бўлиб бу ерларни боғ-бўстонларга айлантирдик. Ойлада бир ноз ушатиб баҳам қўрилганида, мамлакат дастлабки машиналарини Магниткага, ДнепротЭС қурилишига, Вахш водийсидиги биринчи канални барпо этишга ажратди.

Бутун дунёдан ажралиб қолган Помирнинг ўтмишида дентизис орол деб ҳисоблашарди. Бироқ булутлар қоплаб ётган тоғлар орасига йўл солиниб, Помир сийна-



сининг хазиналари бойлигимизга бойлик қўша бошлади.

УСТОД шоиримиз Мирзо Турсунзода совет халқлари оиласини бир бошқонинг донлари деб атаган эди. Бошқоқ донлари қуёшдан баҳра олиб тулишганидек, республикаларимиз қудрати ҳам мустахкамланиб бормоқда. Ҳозирги пайтда Тоҷикистоннинг мамлакат яхлит халқ хўжалик комплексига, социалистик дав-

лат салоҳиятига қўшаётган ҳиссаси муттасил ошиб бормоқда.

Мен бир шонли колхозни биламан, яқинда бу хўжаликда янги лавозим — рансинг маданияти ва турмуш масалалари билан шугулланувчи ўринбосари лавозими таъсис этилди. Колхозда қўлгина совет халқларининг ўғил ва қизлари аҳил яшаб, меҳнат қилмоқдалар. Мана шу ўринбосар маданий ишлар билан шугулланар экан, кутубхона учун Ўзбекистон, Туркмаистон, Қирғизистонга китеб буюртма беришга тўғри келибди. Кутубхона оркестри учун чолғу асбоблари Украина, Қозғистон, Грузиядан келтирилибди. Ўринбосар уй-жой қурилишини ҳам қўзғатиб туради.

Одамлар бир оиладек яшаб, умумий иш билан шугуллансалар ҳам, аммо бир-бирларнинг миллий анъаналарини ҳурмат қиладилар. Бундай муносабатлар эса маънавий бойликлари кенг миқёсда ўзаро баҳам қўришга, маданиятларини яқинлаштиришга, қардошлиқни чуқурлаштиришга олиб боради. Шу тўғрисида колхоздаги турмуш одадан ташқари гўзал ва мароқли бўлиб қолган.

ОНА бутун умрини фарзандларига бағишлайди. Деҳқон ва ишчи гайрат билан меҳнат қилади. Янганчи она юртини кечаю кундуз қўриқлайди. Қадим-қадим замонлардан бери шундай бўлиб келган. Шу азалий турмуш тартибининг биз янги куч-ҳалқлар биродарлиги билан бойитди. Шу ўринда мен ўзимга завқ-шавқ бериб келгач нараса — санъатга қўйилдим. Бизнинг санъатимиз онанинг меҳрибонлигидан, меҳнат ва мардлик наҳидасидан, халқларнинг маънавий муштараклигидан баҳра олиб, томир ёйди.

Ҳозирги тожик адабиёти бир-бирига ўхшамайдиган ва қалами бақувват ижодкорлардан иборат, улар яратган асарларнинг шакли ва услублари хилма-хил. Бутун мамлакат каби Тоҷикистон адабиёт усталарининг юксак гоёвийлик руҳи билан сугорилган сўзи одамларни партия ишига астойдил салоҳат руҳида тарбияламоқда. Хар бир санъаткорнинг ўз ижоди, йўли бор. Аммо хар биримиз тобора юксак қўқиларини забот этаётган. Совет қўл миллати адабиётига мансублигимиз билан фахрланамиз ва бахтиёримиз. Биз ҳаммамиз биргаликда тобора юксалиб бормиз.

Мўмин ҚАНОАТ,
Тоҷикистон ССР Ёзувчилар союз правлениясининг биринчи секретари, СССР Давлат мукофотининг лауреати.

ҚАРДОШЛИК МУШОИРАСИ

Мирсайд МИРШАКАР,

Тоҷикистон ССР халқ шоири,
СССР Давлат мукофоти лауреати

Унутмаймиз тоабат

Хотира қаттида қолар то абад
Жаҳон урушининг қонли излари.
Унинг оловидан қўл бўлди замин,
Ер қора кийганди уруш кезлари.

У қора кунларнинг машҳур қорасини
Хануз қўлсайдилар қўнғил қоралар.
Оқ қўнғил одамлар бую кунларини
Улардан асрашга топар чоралар.

Уруш — бу ажалдир, оламни унга
Тўқин бўлишини истар қайси зот!
Йўқ асло истамас одам фарзанди,
Унга қўл ўргатилар инсонларга ёти

Уруш қутурса гар мисоли селоб,
Помир тоғи бўлмай ишқу муҳаббат!
Уруш қутурса гар худди нуктадек,
Ишқ унинг устидан чиқар қора хат!

Сиздан истаман на зар, на кумуш.
Эй, менинг жонимдек азиз ёронлар!
Сиздур вафодасини умрбод оғуш,
Дўстликка бўй эгсин ҳаммиса жонлар!
Сиз менинг дўстимсиз, шудир кифоят!
Биз худди қўшмағиз, шудир кифоят!
Жонимек таржимаси.

УЙҒУН,

Ўзбекистон ССР халқ шоири

Зарафшон тароналари

Зарафшон, Зарафшон — «зар сочар» дарё!
Нақадар чиройли, шонрона ном!
Шонрлар тилидан тўшмайсан асло,
Қалбига тўлдириб ҳаяжон, илҳом.

Қани, айт, бормикан биронта шоир
Номининг завқ билан тилга олмаган!
Борми бирор одам сени кўрганда
Хўсн жамолинга қойил қолмаган!

Мен ҳам ҳаяжонга тушманам хар гал
Енингдан ўтганда ҳўсинига боқиб.
Қайта шониласан! Қайта чопасан!
Қирғоқларга сиймай қўқиб, оқиб!

Қайс бир доғишманд, қайс бир доғи
Сенга «Зарафшон» деб қўйган экан от!
Шарбатга айланган тоғларнинг қорин,
Дарё бўлиб оққан эриган новот!

Барра тўқиларнинг қўйи нурда
Зарга айланди эриқраб, ёниб.
Чўлпанлар саҳролар, чанқаган чўллар
Шифобахш сувингдан икшар қониб.

Дейдилар: қадимдан хар томчи сувинг
Дур бўлиб қирғоққа сочилар эмиш.
Дейдилар: тупроққа синган томчилар
Олтин пахта бўлиб очилар эмиш.

Дейдилар: сувингдан бир йўла ичса
Бўлармиз чўлларда чечаклар хандон.
Олтинга айланган томчилариникиш,
Бугдоязорлардаги сара олтиндон.

Шифобахш сувингга қонган боғларда,
Шарбатга тўлармиз бодисоб еаниш...
Шу хилат, фазилат бор учун сенда
Халқ сени «Зарафшон» атаган эмиш...

«Зарафшон» аталган водийни қўриб
«Зарафшон»нинг таъмоми ноним.
Сувингдан бир коса шарбат сипқориб,
«Обҳайити» умрбод қондим.

Зарафшон, Зарафшон — «зар сочар»
дарё
Гўзал водий бўйлаб тинмай оқиб ёти
Тоғларнинг шарбатга айланган қорин,
Дарё бўлиб оққан эриган новот...

АБДУЛЛА ОРИПОВ,

Ҳамза номидиги Ўзбекистон ССР
Давлат мукофоти лауреати

Ўзбегим тожик билан

Дўсту қардошдир азалдан
Ўзбегим тожик билан,
Иккиси бир байт газалдан
Ўзбегим тожик билан.

Қай йўсини айтай қийс мен
Бул ширин дўстлик сўзини,
Тотлиқдир болдан, асалдан,
Ўзбегим тожик билан.

Бахтга ёр домд Навоний
Токи Жомиш бор экан,
Биз улар қўйган тамадан,
Ўзбегим тожик билан.

Фахм этиб боқсанг агарда,
Биз қўша сайёрамиз,
Бу Али сўзлар Зўлҳаддан
Ўзбегим тожик билан.

То этиб даврон мукаррам
Тутдилар Ленин йўлини
Иккилоб бўлган маҳалдан
Ўзбегим тожик билан.

Бир эгатиинг боши сенсан
Бир эгатиинг боши мен,
Ер экиб тинмай ҳалмадан,
Ўзбегим тожик билан.

Бул қадрдон икки дўста
Хоҳишимиз, то абад
Топса бир маъно масалдан
Ўзбегим тожик билан.

Мавжуде ҲАКИМОВА.

Тилимдан бол томар

ҚАТРАЛАР

Тилимдан бол томар Батан деган он,
Батан деган оним яйраб кетар жон.
Юзимдан ўйганда саҳар сабоси,
Орзулар гўнчаси юз очар хандон.

Бир зарра гар офат тегса Батанга,
Соч янглиг тегаман тўғ гулханга.
Ўқ еган арслонга ўшарман у он,
Батан — бу жонимдир, ўқ тегар манга.

Умр — қиммат, бордран топмайсан

У фақат бир бора берилар текин.

Навбахор хар йилга такрор юз очар,
Лек ўтган баҳорини топоминг қийин.

ЖОНИБЕК таржимаси.



Суратда: [чапдан] Бейпази ГЭСи қурилишининг бошлиғи Е. Комарков, прораб В. Лускин ва бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Шарифов ўртоқлар биринчи агрегатининг қурилиш участкасида.

В. Углик ва Ю. Машков фотолари. (ТАСС).

ҚУРУВЧИ МИНБАРИ ВАХШ ЖИЛОВЛАНМОҚДА

Кенглигига қўра, Волга, Днепр ёки Енисей дарёларидан анча кейинда турувчи Вахшнинг оқими гўяк тез. Айниқса, қўламли ёнбоғириқлик палласи унинг асослиги қучади. Худди шу хусусият унинг «қисматини», қудратли электр манбаи бўлиш вазифасини белгилаб берди.

Эллигинчи йилларнинг охирида дарёнинг қуйи оқимида дастлабки кичик гидростанциялар қад қўтарди. 60-йилларда қурилган Бош ГЭС Вахш водийсини ўзлаштиришда муҳим роль ўйнади.

Норак электр станциясини қуриш билан бу асос дарёни жиловлашнинг иккинчи босқичи бошланди. Улкан нурхона Жанубий Тоҷикистоннинг территория-ишлаб чиқариш комплексининг юрагини ташкил этди.

Ҳозир Роғун ГЭСи қурилишида меҳнат қилаётган Камол Ҳамсериевнинг тақдирини хар бир тожик энергетикнинг тақдирини эслашди. У улкан нурхоналар қурилишида камол тоғди. Ленин ордини билан тақдирланди. Ҳозирги кунда бундай малакали ҳамкасбларимиз оз эмас. Улар мураккаб замонавий техника билан қурулган, қудратли нурхоналарни бунёд этмоқдалар. Дўстлик, ўртоқлик, интернационал қардошлиқ туйғуси уларга куч-қувват бермоқда.

Мен ҳам мана шу қурилишларда чиниқш мактабидан ўтдим. Бетон қуйиш санъатини мукаммал эгалладим. Россиянинг марказий районларидан, Украина ва Сибирдан келган ишчилардан касб-маҳоратни ўргандим. Оғаниларим Абдулла, Нурмаҳмад, Маҳмадулло, Алимурод, Аҳмадлар ҳам менинг изимдан бориб, ишчилар синфига қўшилди. Норек ГЭСи қурилишидаги фидокорона меҳнатини учун Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлдим.

Нурхоналар қурилишида бизнинг «Ишчи эстафетаси» ҳаракатимиз ҳам шаклланди, меҳнат уюмдорлигини оширишнинг қудратли омиллига айланди.

Унчинчи беш йилликнинг охирида бригадамизни Байпазига ўтказишди. Бу ерда янги нурхона учун қурилиш майдони тайёрлашга киришдик. Бригадамизнинг Абдулло Муратов, Шариф Темиров, Самад Зерифов, Маҳмадали Раҳимов, Сангали Пиров, Иван Рибенков, Галина Ермак сингари аъзолари жуда катта қийинчиликларни енгиб, юксак унвон билан меҳнат қилмоқдалар. Умуман, бу нурхонани барпо этишда эллиқдан ортиқ минглар фарзандлари катнашмоқдалар. Биз биринчи агрегатини Тоҷикистон ССР ва Тоҷикистон Компартиясини ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига декабрь ойида ишга туширишнинг мўлжалламоқдамиз. Бригада пудратчи, меҳнатда иштирок этиш коэффициенти бўйича ҳам тўлаш усулларининг жорий этилиши ишимизга юксак унвон бағишламоқда.

Муҳаббат ШАРИФОВ,
«Нурей ГЭС»нинг комплекс бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ратни ўргандим. Оғаниларим Абдулла, Нурмаҳмад, Маҳмадулло, Алимурод, Аҳмадлар ҳам менинг изимдан бориб, ишчилар синфига қўшилди. Норек ГЭСи қурилишидаги фидокорона меҳнатини учун Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлдим.

Нурхоналар қурилишида бизнинг «Ишчи эстафетаси» ҳаракатимиз ҳам шаклланди, меҳнат уюмдорлигини оширишнинг қудратли омиллига айланди.

Унчинчи беш йилликнинг охирида бригадамизни Байпазига ўтказишди. Бу ерда янги нурхона учун қурилиш майдони тайёрлашга киришдик. Бригадамизнинг Абдулло Муратов, Шариф Темиров, Самад Зерифов, Маҳмадали Раҳимов, Сангали Пиров, Иван Рибенков, Галина Ермак сингари аъзолари жуда катта қийинчиликларни енгиб, юксак унвон билан меҳнат қилмоқдалар. Умуман, бу нурхонани барпо этишда эллиқдан ортиқ минглар фарзандлари катнашмоқдалар. Биз биринчи агрегатини Тоҷикистон ССР ва Тоҷикистон Компартиясини ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига декабрь ойида ишга туширишнинг мўлжалламоқдамиз. Бригада пудратчи, меҳнатда иштирок этиш коэффициенти бўйича ҳам тўлаш усулларининг жорий этилиши ишимизга юксак унвон бағишламоқда.

Муҳаббат ШАРИФОВ,
«Нурей ГЭС»нинг комплекс бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Республикада пахта ҳосилдорлиги, аниққас қимматбаҳо ингичка тоғли пахта ҳосили муттасил қўпайиб бормоқда. Илғор хўжаликлари йил сайин хар гектар ердан 40—45 центнердан ошириб хирмон кўтаришмоқда. Аспиддин Ҳўмаев Қабодий районидиги «Коммунизм» колхозининг мўл ҳосил усталаридан бири. Бригада коллектив юбилей йилида гектардан 50 центнердан ошириб ҳосил олишга муваффақ бўлди. Суратларда: чапда — Қўрғонтепа областидаги Куйбисшев районининг Оби-Киник пахта тайёрлаш пунктида қад кўтарган «оқ олтин» хирмонлари; ўғнда — доғдор бригадир Аспиддин Ҳўмаев.

Тоҷик ТА ва ТАСС фотолари.



Қишлоқ маданияти масалалари ҒўЛАКАНДОЗ ЖАМОЛИ

Қишлоғимиз аҳолиси ночор турмуш кечирарди. Эсимда, оиламизнинг ери бир танабча эди. Бу ерда ҳосил ундириб, рўзгорини тебратиб мушкул эди...

Қўни-қўшниларнинг қўни қишлоқ бойлари қўлида қорандалиқ қилар экан иш излаб, тоғ ошиб, сув кечиб, тевақал-атрофдаги кент ва қишлоқларга йўл олارد. Менинг ҳам қисматим боладилар шундай бўлганди. Жуда арта бойлар хонадонидан югурдаклик қила бошладим, қоранда тушдим.

Бутун, етимиз ёшимда ўлкамизда рўй берган жуда катта социал-иқтисодий ўзгаришларини аниқ тасав-

вур қила оламан, зеро улар менинг кўз ўнгимда, бир авлоднинг қамолот ёши муддатида содир бўлди, уларни амалга оширишда ўзим бевосита қатнашдим. Ҳозир колхозимиз, қишлоғимизда бўлган киши бу ерларни Тоҷикистоннинг энг обод гўшаси деб ҳисоблайди.

СССР халқлари ягона оиласида, улуг рус халқи ва бошқа қардош халқлар ёрдами билан тожик қишлоқларида турмуш маданияти

Колхоз правленияси ва партия комитети Ғўлакандоз қишлоқини обод қилиш, чўлуварлар турмуш маданиятини ошириш вазифасини илгари сурганига қўл бўлгани йўқ. Биз бу ишга катта маблағ ажратдик. Қишлоғимизда равои кўчалар очилди, кўп хонали уйлар қурилди. Хар йили 300 хонадон янги уйларга кўчиб чиқмоқда. Маданият уйи хар кунни гавжам

